
РИШТОНДА 48 НАФАР БОЛАЛАРНИНГ СУННАТ ТҶЙИ ҶТКАЗИЛДИ

Риштон туманида “1-июнь халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” муносабати билан вилоят ҳоқими, тумандаги сектор раҳбарлари, “Вақф” хайрия жамоа фонди вилоят филиали, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамкорликда туманда истиқомат қилувчи “Темир дафар”га киритилган фуқароларнинг 48 нафар фарзандларига суннат тўйи ўтказиб берилди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳоқими Х. Бозоров мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ҳамда хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Тадбирда туман ҳоқими С. Солиев, сектор раҳбарлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирок этишди.

Шунингдек, Хатна тўйида элимиз ардоғидаги санъаткорлар ва туман маданият бўлими ижодкорлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида тўй болаларнинг ҳар бирига бош-оёқ сарпо ҳамда велосипед топширилди.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган болаларнинг суннат тўйлари миллий анъаналаримиз асосида ўтказилгани барчага қувонч ҳадя этди, тўй болалар ва уларнинг оналари қутловлардан мамнун бўлиб, президентимизга, вилоятимиз ва туманимиз раҳбарларига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Шунингдек, “Вақф” хайрия жамоат фонднинг вилоят филиали томонидан маҳаллаларда истиқомат қилувчи 100 нафар чин етим ва ногиронлиги бўлган болаларга ҳам қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

Риштон тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати

2021-06-01 14:24:17